

3. Байдаулет Е.А. Исломий молия асослари [Матн] // Е.А. Байдаулет. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. – 505 б.
4. Абдуллаев Р. Ислом иқтисодиётида савдо ва тадбиркорлик. – Т.: «EFFECT-D» нашриёти, 2022. – 232 б.
5. Жўраев Б. Исломий молиялар ва банк тизими. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2014. – 464 б.
6. Аброров С.З. Ўзбекистонда сукук – исломий қимматли қоғозларни жорий этиши истиқболлари: И. ф. бўйича фал. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2020.
7. Абдурахмонов И. Ислом сугуртаси ёки тақафул: жорий этиши муаммолари ва ечимлари. // "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. №2, апрель, 2021 йил.
8. Visser H. Islamic finance. XI, Edward Elgar Publishing, Cheltenham, 2010. 184 p. P 54.
9. Dchiche A. and Aboulaich.R New Approach to Model Salam Contract for Profit and Loss Sharing. International Journal of Applied Engineering Research 2018. URL: <https://www.researchgate.net/publication/298714498>
10. Salam. Standart № 10. Accounting and auditing organization for Islamic financial institutions. – Manama, 2015.- 1262 p. P. 268-289.
11. Р.И. Беккин. Исламская экономическая модель и современность. Учреждение Российской акад. наук Ин-т Африки РАН. – 2-е изд., испр. и доп. — М.: Изд. дом Марджани, 2010. — 352 с. С. 72.
12. Al-Jarhi, M.A. (2017), "An economic theory of Islamic finance", *ISRA International Journal of Islamic Finance*, Vol. 9 No. 2, pp. 117-132. <https://doi.org/10.1108/IJIF-07-2017-0007>
13. Mamatov B.S., Xujamkulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. – T.: Iqtisod-Moliya, 2014. – 475 b.
14. Obiyathullah I.B. "Derivatives Instruments and Islamic Finance Some Thoughts For A Reconsideration", *International Journal of Islamic Financial Services*, 1(1) (1999).
15. Khan M. F., "Islamic futures and their markets: with special reference to their role in developing rural financial markets", Jeddah: Islamic Research and Training Institute, Research paper no 32 (1996).
16. Danila N., "Derivatives: An Islamic Perspective", *Journal of International Finance and Economics*, 9(3) (2009) 83-90.
17. Nawawi R.H., Islamic Law on Commercial Transactions, (Kuala Lumpur CERT Publication Sdn. Bhd; 2009).
18. Usmani, M.T. (2005) Salam and Istisna. <http://www.accountancy.com.pk>
19. Mohammed Farid Ali al-Fijawi. salam (forward sale) and istiqna (manufacture contract) in modern applications. *International Journal of Business, Economics and Law*, Vol. 9, Issue 5 (Apr.) ISSN 2289-1552. 2016.PP 65-74.



## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Тўхсанов Қудратилло Нозимович -**  
PhD, Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Солиқлар ва сугурта иши кафедраси доценти

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a61](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a61)

**Аннотация:** Мақолада солиқ тизимида тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишинг назарий масалалари ҳамда айрим хорижий давлатларнинг солиққа оид халқаро тажрибалари ёритиб берилган. Хорижий давлатларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишда кўлланилувчи меъёр ва механизмлар келтириб ўтилган. Таҳлиллар натижасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш истиқболлари бўйича илмий хуносалар олинган.

**Таянч сўзлар:** кичик бизнес субъектлари, оиласиб бизнес, халқаро солиқ принциплари, солиқ турлари, солиқ механизми, солиқ режимлари, солиқ имтиёзлари, йирик компаниялар.

## НАПРАВЛЕНИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА В НАЛОГООБЛОЖЕНИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**Tukhsanov Kudratillo Nozimovich -**  
Ph.D., associate professor of the Department  
of Taxes and Insurance

**Аннотация:** В статье описаны теоретические вопросы налогообложения предпринимательской деятельности, а также международный опыт налогообложения зарубежных стран. Приведены нормы и механизмы, применяемые при налогообложении хозяйствующих субъектов в зарубежных странах. В результате анализа получены научные выводы о перспективах использования передового опыта зарубежных стран в налогообложении хозяйствующих субъектов.

**Ключевые слова:** субъекты малого бизнеса, семейный бизнес, принципы международного налогообложения, виды налогов, налоговый механизм, налоговые режимы, налоговые льготы, крупные компании.

## GUIDELINES FOR USING FOREIGN EXPERIENCES IN BUSINESS TAXATION

**Тухсанов Кудратилло Нозимович -  
доцент ТГЭУ, PhD**

**Abstract:** This article covers the theoretical issues of taxation of activities of business entities in the tax system of the Republic of Uzbekistan, as well as international tax experience of some foreign countries. Norms and measures used in taxation of the activities of business entities in foreign countries have been provided. As a result of the analysis, scientific conclusions were drawn on the prospects of using the best practices of foreign countries in the taxation of business entities.

**Key words:** small business entities, family business, principles of international taxation, types of taxes, tax mechanism, tax regimes, tax incentives, large companies.

**Кириш.** Маълумки, миллий иқтисодиёт ривожига, хусусан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири бу давлатнинг амалдаги солиқ сиёсати ҳисобланади. Солиқ сиёсатини манипуляция қилиб, давлат тадбиркорлик субъектлари фаолияти иқтисодий ривожланишини рағбатлантиради ва ёки уни чеклаб қўяди.

Тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг фаол сиёсати олиб борилаётган, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари яратилган ва қўлланилаётган мамлакатларда бизнес ривожланиб бормоқда.

Мамлакатимизда бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу йўналишда 2022 йилнинг 22 август куни пойтахтда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иккинчи маротаба бизнес соҳаси вакиллари билан очиқ мулоқот ўтказди. Унда президент томонидан бизнес соҳаси вакилларини қўллаб-қувватлаш юзасидан 5 та йўналишда ташаббусларни билдириб ўтди.

1. Корхоналарни тоифаларга ажратиб, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашувлар белгилаш.

2. Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай молиялаштириш тизимини яратиш.

3. Инфратузилма ва кафолатли бозорни шакллантириш.

4. Тадбиркорларнинг мулк ҳукуқини ҳимоя қилиш масаласи.

5. Тадбиркорлар фаолиятини назорат қилиш ва уларни жавобгарликка тортиш масалалари билан боғлиқ[1].

Ўзбекистон миллий иқтисодиётидаги ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожланиши учун хорижий тажрибани билиш эвазига хатоларни тақрорламаслик, дунё мамлакатларида асрлар давомида тўпланган тажрибадан самарали фойдаланиш ва замонавий бозор ўзгаришлари жараёнини тезлаштириш лозим бўлади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Иқтисодий тараққиёт парадигмасида иқтисодиётни фискал сиёсат инструментлари воситасида тартибга солиш ва унинг самарадорлигига оид

турли назарий қарашлар мавжуддир. Хусусан, Ж. Кейнс фискал сиёсат инструментлари (солиқлар, давлат харажатлари, ижтимоий трансферлар, давлат қарз инструментлари) орқали ялпи талабни самарали рағбатлантириш имкониятларига эга бўлинишини эътироф этади[2]. Шунингдек, фискал сиёсат инструментларини пулга нисбатан трансакцион талаб, фоиз ставкалари ва инвестицияларни сиқиб чиқариш самарасига паст таъсири шароитида ялпи ишлаб чиқаришни ривожлантиришда мултипликатив самарага эгалигига оид илмий қарашларини тизимлаштирган.

Давлат ва бошқарувнинг барча даражаларида кичик бизнесни ривожлантиришга, шунингдек, кичик корхоналарни солиққа тортиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу мақсадлар учун маҳсус солиқ режимларига мунтазам ўзгартиришлар киритилди[3].

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича фаол сиёсат олиб борилмоқда, тадбиркорликка ёрдам беришнинг самарали механизмлари яратилган ва амалда чет эл тажрибасини билиш хатоларни тақрорламаслик учун, балки асрлар давомида тўпланган тажрибадан фойдаланиш ҳамда мамлакатларда цивилизациялашган бозор ўзгаришлари жараёнини тезлаштириш учун зарурдир [4]. Кичик бизнес субъектларини солиққа тортишнинг муҳим жиҳати бўлиб унинг микдорий ва сифат мезонлари ҳисобланади. Ушбу мезонларга корхона ишчиларининг сони, товар айланмаси, активлари ва олинган фойдалари киради. Барча мамлакатлар учун асосий микдорий мезон - бу корхонада ишлайдиган ишчилар сони бўлиб қолган параметрлар одатда турли мамлакатларда ва ўзаро фарқ қиласи.

Кичик бизнес субъектларини солиққа тортишнинг муҳим жиҳати бўлиб унинг микдорий ва сифат мезонлари ҳисобланади. Ушбу мезонларга корхона ишчиларининг сони, товар айланмаси, активлари ва олинган фойдалари киради. Барча мамлакатлар учун асосий микдорий мезон - бу корхонада ишлайдиган ишчилар сони бўлиб қолган параметрлар одатда турли мамлакатларда ва ўзаро фарқ қиласи.

Республикада маҳсус солиқ режимлари етарлича қўлланилмоқда. Шунга қарамай, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш амалиётини илғор хориж тажрибаси асосида бир нечта йўналишларда такомиллаштириш зарурлиги эътироф этилмоқда.

Мазкур йўналишда профессор Ш.Тошматов соддалаштирилган солиққа тортиш тизимини татбиқ этишда кичик бизнес субъектларини аниқлаш мезонларини табақалаштиришни таклиф қилган[5].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот давомида миллий солиқ тизимида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишнинг амалдаги ҳолати ҳамда солиқ тизимига хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини қўллаш йўналишларини белигалб олиш жараёнида мушоҳада, индукция ва дедукция, динамик қаторлар, иқтисодий-статистик таҳлил ва синтез, статистик гурухлаш, тизимли таҳлил, таққослаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистон миллий иқтисодиётини янги босқичга кўтариш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида ривожланган хорижий давлатларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш тизими илғор тажрибаларини ўрганиш, уларнинг ижобий натижаларидан фойдаланиш мамлакат ялпи ички маҳсулотини ошириш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот миқдорининг ошиши, аҳоли бандлигининг юқори даражасини таъминлаган ҳолда ишсизликнинг қуи даражасига эришиш имконини беради.

Тадқиқотлар давомида таҳлилларимизни тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишда миллий солиқ тизими билан айрим ривожланган давлатлар солиқ тизими ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш бўйича қуида қиёсий жадвални келтириб ўтамиз (1-жадвал қаранг).

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси ва айрим ривожланган давлатларда солиққа тортиш тизимининг қиёсий тавсифи[6]

Тавсиф	Ўзбекистон	Россия	Англия	Германия	Франция
Ишчилар сони, (киши)	200 тагача	100 тагача	99 тагача	100 тагача	49 тагача
Тушум (йиллик)нинг чегаравий миқдори, (миллий пул бирлиги)	1 млрд. сўмгача	1 250 000 гача	1 144 750 гача	1 464 825 гача	1 273 762 гача
Солиқ солишининг соддалаштирилган тартибини кўллаш	Айланмадан олинадиган солиқ	Солиқ ставкалари- 6%, 15%, даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқдан-15%, ялпи тушумдан- 6%	-	-	Савдо ёки ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар, шунингдек, кичик корхоналарнинг фойдасига ВІС (bénéfices industriels et commerciaux) режимига мувофиқ солиқ солинади
ҚҚС, %	Кўшилган қиймат солигини 15 фоизлик ставка бўйича тўловчи қисобланади	Асосий ставка 18%, 0%-агар ўтган 3 календар ойда ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолдаги ялпи тушум 2 млн.рублдан ошмаса.	Асосий ставкалар -20%, 7%. 0%-агар солиққа тортилади-ган реализация ҳажми 97000 АҚШ долларидан ошмаса.	Асосий ставка- 19%, сотов ҳажми 309 500 АҚШ долларидан кам бўлган кичик корхоналарга сотилган товар (иш, хизмат)га тўланадиган пул гушгунча солиқни кечикириши мумкин.	Асосий ставка -19,6%, 5,5%-қишлоқ хўжалик корхонаси, 0%- ўтган хисобот йилидаги обороти 84 500 АҚШ долларидан ошмаган кичик корхоналар учун

1-жадвал маълумотларига биноан айтиш мумкинки, мамлакатимиз миллий солиқ тизимида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш механизми ҳам 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб айрим ривожланган давлатларда бўлгани каби қўшимча муқобил фактор асосида солиққа тортилмоқда. Ушбу давлатлар-

да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш солиқ тўловчиларнинг бошқа тоифалари қатори умумбелгиланган солиққа тортиш тизими бўйича амалга оширилади. Бироқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган солиқ

ставкалари йирик солиқ тўловчиларга ниисбатан бир мунча пастроқ қилиб белгиланади.

Германия, Буюк Британия ва Литвада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун умумбелгиланган солиққа тортиш тизимида имтиёзли ставкалар жорий этилган (Францияда ЯТТлар учун маҳсус солиқ режими қўлланилади). Бизнинг фикримизча, Европа мамлакатлари (Германия, Франция, Буюк Британия)да кичик корхоналар сони йирик корхоналарга нисбатан кўпроқ ва улар ЯИМнинг деярли 40-50 фоизини яратади. Мазкур давлатлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз тушумларини ошириш орқали йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда солиққа тортиш нуқтаи назаридан кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик субъектлари учун қулай шароит яратилган.

Шунинг учун корхона ва ташкилотларга “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти” мақомини бериш учун оддий кўрсаткичдан эмас, балки уларга ҳар томонлама баҳо бера олувчи даромад ёки фойда кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Олиб борилган тадқиқотлари натижасида намоён бўлмоқда-ки, дунёда хозирга қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини аниқлашнинг ягона мезони ишлаб чиқилмаган.

2005 йилдан бошлаб Европа комиссияси томонидан таклиф этилган микро, кичик ва ўрта корхоналар учун белгиланган мезонлари 2-жадвалда ўз аксини топган.

## 2-жадвал

### Европа комиссиясининг тавсиясига кўра микро, кичик ва ўрта корхоналарни аниқлаш мезонлари<sup>[6]</sup>

Мезонлар	Микро	Кичик	Ўрта
Ишчилар сони	1-9 кишигача	10-49 кишигача	50-249 кишигача
Йиллик айланмаси	2 млн. Еврогача	10 млн. еврогочча	50 млн. еврогочча
Баланс миқдори	2 млн.еврогочча	10 млн.еврогочча	43 млн.еврогочча
Мустақиллиги	25 фоиздан ошиқ бўлмаган капитал ёхуд овоз бериш хуқуқига эга бўлган акциялар бошқа йирик компанияларга тегишли		

Аксарият ривожланган давлатларга аъзо бўлган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИХТТ) таснифига кўра 19 нафарга-ча ишчиси бўлган тадбиркорлик субъектлари микрофирмалар, 20 нафардан 99 нафаргача ишчиси бўлса – кичик корхоналарга, 100 нафардан 499 нафаргача ишчиси бўлса – ўрта корхоналарга, 500 нафардан кўп ишчиси бўлса йирик корхона мақоми берилади<sup>[7]</sup>.

Маҳсус солиқ режимлари кичик корхоналарни асосий солиқ турларини тўлашдан озод қилиб, уларнинг фискалъ босимини пасайтиро-моқда, бироқ айрим мамлакатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиқ-

қа тортиш амалиётида шундай тажриба мавжудки, фикримизча уларни мамлакатда фаолият юритаётган оиласиий корхоналар учун тадбиқ этиш ва солиқ амалиётида қўллаш ижобий натижка келтиради. Мисол тариқасида қуйида бир нечта давлатлар тажрибасини кўриб чиқамиз. Қатор хорижий мамлакатларда кичик бизнеснинг вужудга келиши ва муваффақиятли фаолият юритиши давлат ёрдами воситасида таъминланади. Уларда бу ишда жуда катта ижобий тажриба тўпланган бўлиб, ундан бизнинг шароитлар ва хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш мумкин.

## 3-жадвал

### Хорижий мамлакатларда кичик бизнес шаклида жаҳон бизнес оламида машҳур бўлган компаниялар

Оила номи ва бизнес ташкилотчиси	Ташкил этилган йили	Фирма, компания номи	Фаолият ва ишлаб чиқарадиган маҳсулот тури	Фойда миқдори	Ишчилар сони
Сэм Уолтон	1962-йил	«Вол-Март Сторс» (Wal-Mart Stores,)	Савдо-сотиқ супермаркетлар сони 4400 та	\$217.8 млрд.	1.38 млн.
Генри Форд	1903-йил	Форд (Ford Motor Company)	Савдо сотиқ супермаркетлар сони 4400 та	\$162.4 млрд.	354 431 та
Ли Гон Хи	1938-йил	Самсунг (Samsung Group)	Электроника	\$98.7 млрд.	175000 та
Ку Бон-Му	1947 йил	ЛЖ Груп (LG Group)	Электроника	\$81 млрд.	130000 та
Кундт	1917 йил	“БМВ” («BMW»)	Автомобилсозлик	\$34.1 млрд.	97275 та
Деффоре	1974 йил	Карфор (Carrefour SA)	Савдо-сотиқ супермаркетлар	\$61.6 млрд.	382821 та

Хорижий мамлакатларда оилавий бизнесни юритиш шакллари кичик, ўрта, йирик ва конгломерат (ўта йирик) шакллардан ташкил топган бўлиб, саноатнинг турли тармоқларида катта миқдордаги айланма пул маблағларига эга бўлиб, аҳоли бандлиги ва ялпи ички маҳсулотнинг 60-70 фоизини ишлаб чиқармоқда.

Бунга бугунги кунда жаҳон бизнес оламида ўзининг номи билан машҳур бўлган ҳамда ишлаб чиқараётган маҳсулоти турлари билан дунё бозорида етакчилик қилаётган айрим фирмалар ва компанияларни яққол мисол сифатида келтиришимиз мумкин: Италияning "Салваторе Феррагамо", "Бенеттон" ва "Фиат Гроуп" компаниялари; Францияning "ПСА Пеагеот Ситреон", "Л'Ореал", "Саррефоур Гроуп" ва "Мичелин" компаниялари; Жанубий Кореяning "Самсунг", "Хюндаи Мотор" ва "ЛЖ Гроуп" компаниялари; Германияning "БМВ", "Босч" ва "Сиеменс" компаниялари; Японияning "Киккоман" ва "Ито-Ёкадо" фирмалари; АҚШнинг "Форд Моторс Со" ва "Вал-Март Сторес" компаниялари ва бошқалар.

З-жадвалга кўра жадвалга кўра, хорижий мамлакатларда оилавий бизнес шаклида жаҳон бизнес оламида машҳур бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташкил топиши, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари турлари ҳамда молиявий фаолияти билан боғ-

лиқ қуидаги маълумотларни мисол келтириш мумкин.

Дунёнинг йирик супермаркетлари (4400 та) тизимида эга бўлган АҚШнинг "Уолтон" оиласига мансуб "Вал-Март Сторес" компанияси 1962-йилда Сем Уолтон томонидан ташкил этилган. Ушбу компаниянинг директорлар кенгаши раиси сифатида унинг ўғли Робсон Уолтон томонидан бошқарилмоқда ва умумий акцияларининг 38 фоизи оиласига тегишли бўлиб, жами \$ 217,8 млрд. фойдага ҳамда 1.38 млн. ишчи-ходимларига эгадир.

Дунёда автомобилсозлик соҳасида машҳур бўлган АҚШнинг Форд оиласига қарашли "Форд Мотор Со" компанияси 1903-йили Генри Форд томонидан ташкил этилган. Ушбу компаниянинг акциялар пакети 1999-йил "Вольво Сарс" компанияси оиласинг тўртинчи авлоди томонидан бошқарилмоқда ва умумий акцияларининг 40% эга бўлиб, жами \$ 162 млрд. фойдага ва 354 431 ишчи-ходимларига эгадир. Бошқа оиласий компаниялар ҳам мамлакатларнинг асосий саноат ва савдо тармоқларини эгаллади.

Уларнинг ҳозирги даражасига етиб келишига давлат томонидан яратилган қулай ишибилармонлик муҳити катта роль ўйнаган. Қуида баъзи бир давлатларда оиласий бизнес учун берилган имтиёз ва солиқ солиш механизмларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

#### 4-жадвал

##### Хитой Халқ Республикасида кичик тадбиркорлик субъектларига берилган солиқ имтиёзлари<sup>[8]</sup>

<b>Кўрсаткич</b>	<b>Йиллик фойда суммаси</b>	<b>Солиқ ставкасини пасайтириши (%)</b>
Хитой Халқ Республикасида мавжуд солиқ ставкаси 20%	Корхонанинг йиллик солиқ солинадиган фойда суммаси 60000 юанни ташкил этадиган бўлса	Ушбу ҳолатда фақатгина олинган фойданинг 50%га солиқ солинади. Бу эса солиқ ставкасини 10 фоиз қилиб белгилайди.
	Корхонанинг йиллик фойда суммаси УС\$ 12,000 ни ташкил этганда	Даромад солиқ ставкаси 18% га пасайтирилиши назарда тутилган
	Йиллик сотишдан олган даромади УС\$ 0,2 дан кам бўлган корхоналар учун	Кўшилган қўймат солиқ ставкаси 6% дан 4%га тушририлиши назарда тутилган
Бундан ташқари, янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектида банд бўлган ходимларнинг 30 фоизини ишсизлик бюросидан рўйхатдан ўтганлар ташкил этган бўлса -	2 йил муддатга даромад солигидан 50 фоизли имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлади	
Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектида банд бўлган ходимларнинг 60 фоизини ишсизлик бюросидан рўйхатдан ўтганлар ташкил этган бўлса -	3 йил муддатга даромад солигидан озод этилади	

Хитой Халқ Республикасида кичик бизнесни ривожлантириш 1980-йиллар бошларида асосан авж олган бўлиб, ҳозирда кичик бизнеснинг ушбу давлат иқтисодиётидаги таъсири унинг жами саноат маҳсулотларининг 80 фоизига яқини, шундан озиқ-овқат ва қофоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш 83 фоиздан кўпроқ эканлиги ва мамлакат солиқ сиёсатида ушбу тармоқ корхоналарининг бюджетдаги салмоғи 50

фоиздан кўпини ташкил этишининг ўзиёқ ушбу тармоқ корхоналарининг роли қай даражада эканлигидан далолат беради. Мамлакатда мавжуд барча корхоналарнинг 97 фоизини кичик ва ўрта бизнес корхоналари, мамлакат ЯИМнинг 60 фоизини кичик ва ўрта бизнес субъектлари яратади, меҳнатга лаёқатли шаҳар аҳолисининг 80 фоизи айнан ушбу соҳада банд[9].

Хитой Халқ Республикасида кичик бизнесни ривожлантиришда солиқ сиёсатининг ўрни катта бўлиб, уларда кичик бизнесни ривожлантиришда қуйидаги имтиёзлар берилган.

Францияда агар корхонанинг йиллик ялпи даромади 7 630 000 евродан кам бўлса ва унинг камида 75 фоизи жисмоний шахслар эгалигига бўлса, у ҳолда ушбу солиқ тўловчи кичик тадбиркорлик субъекти ҳисобланади ва 15 фоизли пасайтирилган ставкада солиқ тўлашга ва бошқа тўловлардан озод этилади. Бундан ташқари агар корхонанинг йиллик ялпи даромади 362000 евродан кам бўлса Мисро-БИС режимидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бу шуни билдирадики, солиқ тўловчи даромадининг фақат 50 фоизи солиққа тортилади[10].

Грузияда йиллик даромади 30 мингларидан (17750 АҚШ доллари) ошмайдиган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар микробизнес субъекти ҳисобланабарча турдаги солиқлардан озод қилинадилар. Йиллик даромади 100 000 ларидан (60 000 АҚШ доллари) ошмайдиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун солиқ ставкаси 3 фоиздан 5 фоизгача белгиланган[11].

Туркияда маҳсус солиқ режимини қўллаш нуқтаи назаридан кичик ва ўрта бизнес статусини фақатгина ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи фирма олиш хуқуқига эга. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш секторида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сон жиҳатдан 98-99 фоизни ташкил қиласи. Ишлаб чиқариш секторида банд бўлганларнинг 60 фоиздан кўпроғи, шунингдек мамлакатда ярати-

лаётган қўшилган қийматнинг 30-40 фоизи кичик бизнесга тўғри келади[12].

Кичик бизнес ҳақидаги танишиб чиқсан маълумотлар, энди ушбу соҳа бўйича иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги ҳолатни ўрганишни давом эттирган ҳолда Россия Федерациясида кичик бизнес субъектларини аниқлаш мезонлари мамлакат Қонунчилигига асосан ўртacha ишчилар сонига қараб аниқланади: саноат ва қурилишда – 200, фан ва илмий ҳизмат кўрсатишда – 100, бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида – 50, ноишлаб чиқариш тармоқларида – 25, ҳамда чакана савдода 15 кишигача белгиланган[13].

5-жадвал маълумотларини таҳлил қиласи ган бўлсак, Евropa иттифоқи аъзо бўлган бошқа мамлакатларда кичик бизнес субъектлари микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналарга бўлинниб, мезон сифатида ишчилар сони, йиллик товар обороти ва асосий воситалар қиймати кўрсаткичлари қўлланилиб, 2003 йилдан бошлаб куйидагича белгиланган. Микрофирмаларда ишчилар сони 10 кишигача бўлган йиллик товар обороти - 2 млн. евродан ва асосий воситалар қиймати - 2 млн. евродан кўп бўлмаган корхоналардир. Кичик корхоналарда ишчилар сони 10 кишидан 50 кишигача, йиллик товар обороти 2 млн. дан 10 млн. еврогача ва асосий воситалар қиймати - 2 млн. евродан кўп бўлмаслиги лозим. Ўрта корхоналарда эса ишчилар сони 50 кишидан 250 кишигача, йиллик товар обороти 10 млн. дан 50 млн. еврогача ва асосий воситалар қиймати - 10 млн. дан 43 млн. еврогача бўлиши белгиланган[14].

## 5-жадвал

### Евropa иттифоқи мамлакатларида микро, ўрта ва кичик корхоналарни аниқлаш мезонлари[14]

Тоифаси	Бандлик ишчилар сони	Товар айланмаси млн.евро	Асосий воситалар млн.евро
Микрофирмалар	<10	<2	<2
Кичик корхоналар	<50	<10	<10
Ўрта корхоналар	<250	<50	<43

Демак, ЕИ мамлакатларида йирик корхоналарда ишчилар сони 250 кишидан юқори бўлган, йиллик товар обороти 50 млн. евродан ва асосий воситалар қиймати 43 млн. евродан кўп бўлиши мезони белгиланган[15].

Юқорида келтирилган хориж тажрибаларини мамлакат солиқ қонунчилигига мослаштирилган ҳолда татбиқ қилсак кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш тизимининг такомиллашишига олиб келади, зеро кўпгина ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш механизмида алоҳида тартиблар назарда тутилмаган.

**Хулоса ва таклифлар.** Ривожланган хорижий давлатларда жумладан, АҚШ, Япония, Канада, Буюк Британия, Австралия, Германия солиқ қонунчилигига хусусий тадбиркорлар даромад солиғини фақат соф фойдадан тўлаши белгилаб қўйилган. Бунда тадбиркорлар ўзларининг фаолияти тушумларидан сарф-харажатларни чегириб ташлаб, соф фойда олмагунча, солиқ тўламайди.

Хитойда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш XX асрнинг 70-80-

йилларида авж олган бўлиб, ҳозирда кичик бизнеснинг ушбу давлат иқтисодиётидаги таъсири унинг жами саноат маҳсулотларининг 80 фоизига яқини, ушбу тармоқ корхоналарининг бюджетдаги салмоғи 50 фоиздан кўпини ташкил этишининг ўзиёқ ушбу тармоқ корхоналарининг роли қай даражада эканлигидан далолат беради. Мамлакатда мавжуд барча корхоналарнинг 95 фоизини кичик ва ўрта бизнес ташкил этади.

Жанубий Корея давлати ялпи ички маҳсулоти шаклланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 55-60 фоизни ташкил этади. Хусусан, 2017 йилда миллий солиқлар тизимида энг катта улушни кичик бизнес субъектлари томонидан тўланадиган солиқлар ташкил қилган.

Ўзбекистонда ўрта муддатли ривожланиш жараёнида замонавий бозор механизмларини қўллаш, бунда асосий эътиборни кичик бизнес субъектлари фаолиятига қаратиш мақсадга мувофиқ.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланиш натижасида мамлакат иқтисодиётида ечимини кутаётган қўйидаги муаммоларни бартараф этишга эришамиз:

тадбиркорлик субъектларининг сони ва салмоғининг ошиши натижасида солиқ базаси кенгайиб бюджет барқарорлиги таъминланади;

кичик ва оиласиб бизнеснинг ривожланиши натижасида мамлакатда доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилади. Ўз-ўзини банд қилган

аҳоли сонини ошиши эвазига турмуш фаронлиги яхшиланади;

пандемия кейинги даврда аҳоли учун доимий даромад манбаси билан таъминланиши натижасида давлатнинг ижтимоий муҳофаза харатлари тежалади;

мамлакатимизда кичик бизнес иқтисодиётининг ўсиш нуқтаси қилиб белгиланган ҳозирги шароитда Хитой тажрибасини қўллаган ҳолда оиласиб тадбиркорлик ва томарқачиликни ривожлантириш учун минтақаларда маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда тижорат банклари билан ҳамкорликда оиласларни тадбиркорлик инструментлари (бизнес лойиҳа, маблағ, ер, бино, техника-технология) билан таъминлаш лозим;

тадбиркорлик субъектлари билан тузиладиган шартномалар талабларини соддалаштриш ҳамда уларга кўрсатилаётган хизматлар (айниқса коммунал хизмат турлари) бўйича шартнома шартлари тўлиқ бажарилишини давлат томонидан кафолатлаш механизмини ишлаб чиқиши натижасида худудлар миқёсида инвестициялар ҳажми ошади;

тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзларини тақдим этишда биринчи навбатда худудларнинг солиқ салоҳияти мезонидан асосий мезон сифатида лозим. Ушбу мезонни қўллашдан асосий мақсади йиллар мобайнида тақдим этилган солиқ имтиёзлари натижасида худуднинг солиқ салоҳияти ижобий томонга ўзгариши талаб этилади.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги «Очиқ мулоқоти»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 364-сонли қарори
2. Keynes, John M. *The General Theory of Employment, Interest and Money* // The Collected Writings of John Maynard Keynes. — Cambridge University Press, 2012. — Vol. VII. — 428 p. — ISBN 9781139524278.
3. Зотиков Н.З. Арланова О.И. Зарубежный опыт налогообложения малого бизнеса. — Чебоксары: Изд-во Чувашского государственного университета им. И.Н. Ульянова, 2017. — С. 316.
4. Леликова Н.А., Конвисарова Е.В. Зарубежный опыт налогообложения малого бизнеса // Успехи современного естествознания. — 2014. — № 12-2. — С. 127-129.
5. Тошматов Ш.А. Кичик бизнесни ривожлантиришда солиқ сиёсатини тақомиллаштириш. // Жамият ва бошқарув, 2013 йил 1-сон.76-б.
6. <http://www.strana-oz.ru> интернет сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
7. SME statistics: Towards a more systematic statistical measurement of sme behaviour. <https://www.oecd.org/industry/smes/31919286.pdf>
8. "Development of Chinese small and medium-sized enterprises" by Jia Chen. 2017.
9. Xitoy Xalq Республикаси Миллий статистика бюроси маълумотлари. <http://www.stats.gov.cn/tjsj/ndsj/2018/indexeh.htm>.
10. Main industry sectors of small and medium enterprises (SME) in France as of April 2018. <https://www.statista.com/statistics/879062/number-of-smes-in-france>.
11. Mid Term Evaluation Georgia's SME Development Strategy 2016-2020. [http://www.economy.ge/uploads/files/2017/ek\\_politika/sme\\_strategy\\_evaluation\\_report\\_31\\_12\\_2018.pdf](http://www.economy.ge/uploads/files/2017/ek_politika/sme_strategy_evaluation_report_31_12_2018.pdf)
12. A Review of Small and Medium Sized Enterprises (SMEs) in Turkey. <https://www.researchgate.net/publication/322437518> A Review of Small and Medium Sized Enterprises SMEs in Turkey/[link/5c1960e6299bf12be38a149e/download](https://link/5c1960e6299bf12be38a149e/download)
13. Малое и среднее предпринимательство в России, 2017: Стат.сб./Росстат. - М., 2017. - 78 с.
14. European Commission Entrepreneurship and Small and medium-sized enterprises (SMEs) (<http://ec.europa.eu/growth/smes/business-friendly-environment/sme-definition/>)
15. Valdani Vicari & Associati SRL (VVA) and Centre for European Economic research (ZEW). SME taxation in Europe. Brussels - May – 2015. 153 P. (<http://ec.europa.eu>).